

«Мадина аҳлининг энг сахий инсони ким?»



14:08 / 05.12.2024 4032

Бир бадавий Мадина кўчаларига келиб, шаҳардаги энг сахий инсон ким эканини сўради. Одамлар: «Хусайн ибн Алий», дейишди. Бадавий Хусайн розияллоху анхуни масжидда намоз ўқиётганида топди. Хусайн розияллоху анхунинг намоз ўқиб бўлишини кутиб, икки томонга салом бериши билан дардини тушунтириб: «Сизга ишонган одам пушаймон бўлмайди, дейишди», деди. Хусайн розияллоху анху дарҳол ўрнидан туриб, уйига қараб кетди, бадавий ҳам унинг орқасидан эргашди.

У уйига етиб келиб, хизматкори Канбардан: «Ҳижоз мулкидан бирор нарса қолганми?» деб сўради. Канбар: «Ҳа, тўрт минг динор қолган», деди. Хусайн розияллоху анху: «Ўша пулни олиб кел, бу молга биздан ҳам муносиброқ одам келди», деди. Орадан кўп вақт ўтмай, Хусайн розияллоху анху қўлида тўрт минг динор билан қайтиб келди ва уни бадавийга бериб,

агар оз бўлса, уни кечиришини сўради. Бўлган воқеадан ҳайрон бўлган бадавий динорларни қўлига олдию, йиғлаб:

«Бир кун келиб, шундай мард одамнинг ер бағрига кетиши надомат бўлмайдами?» деди. Кейин қуйидаги шеърни ўқиди:

Ўлурми шижоат, ўлурми мардлик?!

Ер остида қолурми ёки сахийлик?!

Ерга кўмилурми ё одамийлик?!

Мардлик одамларнинг йўлини ёритур!

Мардлик тунни айлар худди кундуздек.

«Миллионер саҳобалар» китобидан

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 март 03-07/1613-сонли хулосаси асосида тайёрланди.